

Қамоли РАҲМОН

*Ушбу китоб Ватанимиз
мустақиллигининг 15 йиллигига
бағишланади.*

САЖДАГОҲИМ...

Шеърлар



Тошкент — 2006

84(59)6-5 УЗБ. 272 б. 2 с.а

«Хуқуқ ва бурч» журналі
кутубхонаси

Щеърла

Муҳаррир Ш.ҲАМРОЕВ

Азиз китобхон!

Иқтидорли шоир Камол Раҳмон (Абдукамол Раҳмонов)нинг ушбу рисоласида Она Ватан, Истиқлол қабл ҳаммамиз учун муқаддас саналган туйгулар ўзига хос оҳангда тараннум этилган.

Ўйлаймизки, шоирнинг кўнглини жўштирган туйгулар Сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Ю 3242-
0

- © Камол РАҲМОН.
- © «Хуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журналі кутубхонаси. 2006 йил.

2006	Alisher Navoiy nomidagi
Д 10492	O'zbekiston Mk

АССАЛОМ, ХАЛҚИМ!

Ассалом-алайкум, эй, улуф халқим,
Салом она Ватан, ота маконим!
Оллоҳ "ол, ўзбек", деб берган бўстоним,
Ассалом, улуф юрт — Ўзбекистоним!

Ўзбек, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз,
Бир халқмиз онадан туғишган эғиз.
Шу азиз ватанда барчамиз азиз,
Ассалом, улуф юрт — Ўзбекистоним!

Теграсида қуёш кулиб турган халқ,
Саркардалар, шоҳлар, жаҳон кўрган халқ.
Халқаро дўстликка кўприк қурган халқ,
Ассалом улуф юрт — Ўзбекистоним!

Илму-маърифатда доврўнинг бисёр,
Ўзбекман, дейишлик ғурур-ифтихор.
Эй юртим, жон халқим, сенда фахрим бор,
Ассалом, улуф юрт — Ўзбекистоним!

Ўзбегим, қаддинг тик, обрўйнинг баланд,
Эзгулик машғаланг порлоқ беадад,
Маърифат чироғнинг ўчмагай абад,
Ассалом, улуф юрт — Ўзбекистоним!

Ассалом-алайкум, эй, улуф халқим,
Салом она Ватан, ота маконим!
Оллоҳ "ол, ўзбек", деб берган бўстоним,
Ассалом, улуф юрт — Ўзбекистоним!

ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ

*1991 йил 1 сентябрь —
Мустақиллик кунига бағишланади.*



Биринчи сентябрь — эрта саҳарда
Тонг, дадил уйғониб, кипригин қоқди.
Юлдузлар осмонни ташлаб қайтарда
Товлар орасидан оламга боқди.

Оддий тонг эмас бу, хуррият тонги!
Озодлик, эркинлик, истиқлол тонги!
Ўзбекнинг гурури, орият тонги!
Буюклик, улувлик, истиқбол тонги!

Янги тонг ёришди, ёришди олам,
Қувончлар шодликдан сизмасди танга.
Севинч ёшин артиб, айтарди отам:
Мустақиллик қутлуғ — қутлуғ Ватанга!

Юртбошим кўрсатган мардлик, жасорат,
Тарих ўзанига янги йўл солди.
Ўзбек осмонини қучди саодат,
Мустабид тузумлар орқада қолди.

Шодликлар шодликка уланди, чунон,
Истиқлол — ёруғ тонг, порлоқ келажак.
Мустақиллик неъмат, сўзимга инон.
Озод-обод юртда иқбол кулажак.



Ўзбегим, муборак хуррият тонгинг!
Озодлик, эркинлик, истиқлол тонгинг!
Фурур-ифтихоринг, орият тонгинг!
Буюклик, улуғлик, истиқбол тонгинг!

Ўзбегим, муборак истиқлол тонгинг!...



ВАТАНИМ, СЕН ОЗОД ЎЗБЕКИСТОНСАН!

Қасида

Ўзбексан, тупроғи жаннати диёр,
Дунёга танилган фарзандинг бисёр,
Хўжа Аҳмад, Ат Термизий, Ал-Бухор,
Нақшбандий каби беҳад пирим бор,
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Ибн Сино тиббий қонун бахш этди,
Беруний Амриқо юртин кашф этди.
Улуғбек нигоҳи самога етди,
Навой қалами дунёни чертди.
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Темурбек очунга бўлганда сардор,
Самарқанд жаҳонга бўлди ҳукмдор.
Ҳиндистонда ўғлинг Мирзо Бобур бор.
Сувда Спитамен, Тўмарис хушёр,
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Хоразмда худо суйган Паҳлавон²,
Пирлар учун бешик бўлди Ғиждувон.
Самарқандда Хизр, Довуд, Сулаймон,
“Ҳидоя”чи туғиб берди Марғилон.
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Илму маърифатга ўчоқ Бухоро,
Заковат машъалин тутди эл аро.
Сенга орзу-ҳавас қилса ҳам зеро,
Пойингга етмади босқинчи Доро.
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Амудан сув ичган Қорақалпоқсан,
Ўзбексан, бағри кенг, юраги оқсан.
Ғанимга тик боққан қурқмас Широқсан,
Дунёни ёритган ўчмас чироқсан.
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Тонгларинг ёруғдир камолот сенда,
Хуқуқий давлатсан, адолат сенда,
Аллюмишдан мерос шижоат сенда,
Болажон халқинг бор, шафоат сенда,
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Хурликка бошлаган йўлингни ўпай,
Саҳроларинг ила чўлингни ўпай,
Тошни ёриб чиққан гулингни ўпай,
Меҳнагдан терлаган қўлингни ўпай,
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

Чор тарафинг чаман, шифил мева, бор,
Кучингга куч берар қуёш минган тоғ,
Илоҳим, асрасин минг битта паноҳ,
Сени қўллаганни қўлласин Оллоҳ,
Довруғинг бир олам, танамга жонсан,
Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!

ГУЛЛАДИ

Неча йил нур истадим,
пилıklarим гуллади,
Неча йил гул истадим,
фалақларим гуллади.

Турфа гуллар шохида
чарх айлади булбуллар,
Ёрилтошлар ёрилди,
юракларим гуллади.

Истиқлол жамолингни
кўролмай ўпанларнинг,
Рухларида жаннатий
чечакларим гуллади.

Аждарни енгди ботир,
қирқ алшим омон қолди,
Хаёлдаги орзулар,
эртақларим гуллади.

Истиқлол берди иқбол,
Хумо қуш келтирди бахт.
Камол, Турон бағрида
тилақларим гуллади.

АЛЛА³

Истиқлол фарзандига

Ором олгин болажоним,
алла болам, алла-ё,
Иқбол сенга меҳрибоним,
алла болам, алла-ё.



Оллоҳ берган азиз бошинг,
омон бўлсин жон болам,
Заковатли навқироним,
алла болам, алла-ё.

Илк нигоҳинг тушган бу юрт,
Ўзбекистон аталур,
Унда порлоқ ҳар бир оним,
алла болам, алла-ё.

Мустақил юрт фарзандисан,
улуғ халқим эртаси,
Замин озод, йўқ армоним,
алла болам, алла-ё.

Қадамингни босгин сокин,
босма аждод ҳоқини,
Имонинг бор, йўқ гумоним,
алла болам, алла-ё.

Тебраттайсан кенг жаҳонни,
тебрансин еру-фалак,
Сен қалқонсан, тинч осмоним,
алла болам, алла-ё.



Киндик қонинг томган тупроқ,
она Ватан, жон Ватан,
Шу Ватанга сен посбоним,
алла болам, алла-ё.

Ватан сўрса, тўккил қонинг,
берган тузин қил ҳалол,
Камол ҳам дер, садқа жоним,
алла болам, алла-ё.



САЖДАГОҲСАН

Халқим, кўхна шонинг, шавкатинг ҳаққи,
Илоҳий куч-қувват, қудратинг ҳаққи,
Озод, хур кунларинг, шуҳратинг ҳаққи,
Саждагоҳ каби сен муқаддас, Ватан!

Ўзбек, чироянгда ёришган дунё,
Қувватинг тоғлардан юксакдир илло,
Карвонсан манзили қадим-ибтидо,
Саждагоҳ каби сен муқаддас, Ватан!

Узоқ тарихингдан маънавий мерос,
Салафлар қолдирган минглаб ўчмас из:
Авесто, Алпомиш, Хидоя, Ҳадис...
Саждагоҳ каби сен муқаддас, Ватан!

Заминга қоришган видолар сенда,
Оламни уйротган нидолар сенда,
Юрт учун жон-дили фидолар сенда,
Саждагоҳ каби сен муқаддас, Ватан!

Сени онам, дея ўйлайди халқим,
Улуғлаб, ардоқлаб сийлайди халқим.
Сени, фақат сени куйлайди халқим,
Саждагоҳ каби сен муқаддас, Ватан!

Халқим, кўхна шонинг, шавкатинг ҳаққи,
Илоҳий куч-қувват, қудратинг ҳаққи,
Озод, хур кунларинг, шуҳратинг ҳаққи,
Саждагоҳ каби сен муқаддас, Ватан!

ВАТАНИМ!

Ватаним!

Ҳар тонгда сени эркалаб
Олис сарҳадлардан сабо елади.
Ойдинда ой упан пешонанг силаб
Мен сени бағримга босгим келади.

О, Ватан!

Қалбимда гул очган чечак,
Болам, деб эркалаб кучган беланчак.
Ор-номус қўрғоним ўзингсан бешак,
Мен сени бағримга босгим келади.

Яратганга шукур, иссиқ жон бердинг,
Бир ҳовуч тупроғу, томчи қон бердинг,
Ҳуқуқ ҳам эрк бердинг ва макон бердинг,
Мен сени бағримга босгим келади.

Томирларда жўшиб оққан қон сендан,
Тупроқ аро кирган ўша жон сендан.
Ўзбек, деган номга шараф-шон сендан,
Мен сени бағримга босгим келади.

Ватаним!

Юлдузли тунларинг сокин,
Истиқлол тонгларинг Куёшдан ёрқин.
Заррин тупрофингда гуллайди олтин,
Мунчокдек бўйнимга осгим келади.

Мен сени бағримга босгим келади...

ВАТАН, КЎНГЛИМДАСАН

Ватан — вужудимсан, гурур-виждоним,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.
Ватан, руҳимда сен ўчмас имоним,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.

Аждодлар меҳридан юксалган шоним,
Озод, обод юртим, нузли бўстоним,
Юртимнинг даҳоси, бобо деҳқоним,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.

Ҳаётим гулшани, бахтимнинг тожи,
Кўнглимнинг Каъбаси, дилим хирожи,
Қалбим саждагоҳи, виждон меҳрожи,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.

Ватан — сен онамсан, устозим, отам,
Севикли ёримсан, фарзандим, акам.
Сен менинг дўстларим, қадрдон укам,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.

Фаровон турмушим, бахтим қафили,
Тинчлигим, соғлигим, тахтим қафили,
Эрким, маърифатим, аҳдим қафили,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.

Ҳаётим гулшани, бахтимнинг тожи,
Кўнглимнинг Каъбаси, дилим хирожи,
Қалбим саждагоҳи, виждон меҳрожи,
Ватан, кўнглимдасан, Ватан, кўксимда.

ИФТИХОРИМ БЎЛСА БАС...

Тупроқ тан-жон, замин виждон,
эътиборим бўлса, бас,
Манглайига қуёш қўнган
чаманзорим бўлса, бас.

Тупроқ азиз, деб уқтирган
ота-онам, устозим,
Жаннатидан парча берган
Оллоҳ ёрим бўлса, бас.

Меҳри дарё, қалби дунё
халқим бор, имоним бор,
Мовароуннаҳр узра
бир диёрим бўлса, бас.

Ўзга эмас, шу диёрни
асрамоқлик олий бурч,
Тупроқ учун жон тикмоқлик,
эрлик орим бўлса, бас.

Тупроқ асли шу ватандир,
муқаддасдир, муқаддас,
Ватанимни қуйламоқлик
ифтихорим бўлса, бас.

Қуйла Камол, Ўзбекистон
она Ватан, имоним,
Шу ватаннинг бир бурчида
бир мазорим бўлса, бас.

ВАТАН

*Арабистонлик ватандошимнинг
айтганлари*

Сени кўп соринаман эрта-кеч,
ҳар он, Ватан,
Сен гўшанинг ҳажрида
менда кўп армон, Ватан.

Хуррият қучди сени,
шод-хуррам бўлдим, ажаб,
Қувончдан кўзларга ёш,
келди шул замон, Ватан.

Бир қучмоқ нлинжида югурдим
сента, ё Раб,
Тупроғинг тавоб айлаб,
ҳидладим райҳон, Ватан.

Хусни тароватингга
кўзларим тўймас қараб,
Дийдорингга қонмайин
тнқилдим ҳар ён, Ватан.

Мажнунтоллар қуйлайди
қоқилу сочин тараб,
Хуснидан кўз қамашар
Мажнундек ҳайрон, Ватан.

Дарди ҳижрон азоби
тарқ этди, нечун сабаб,
Висолинг бўлди малҳам,
Қамолга дармон, Ватан.

КАМОЛОТ ДИЁРИ'

Манглайда қуёш кулган
озод, марғур, ватаним бор,
Темурбекдан мерос давлат,
бир сервиқор ватаним бор.

Мустақиллик шаробидан
шому саҳар сархуш бўлдим,
Ҳар мисқоли зар олтидан,
гупроғи дур ватаним бор.

Озод замин узра қувонч,
дўст лабида кулги кўрдим,
Алломиш-ла мисли Фарҳод,
ўғлини зўр ватаним бор.

Хуррият шамоли тўзган
сочларимни силаб ўтди,
Имон тарозисин тутган,
эли маъмур ватаним бор.

Мустабидлик умри тугаб,
камолот сари кўз тутди,
Келажаги экан буюк,
халқи жасур ватаним бор.

Дил тубида тугиб юрган
муродимни ҳрсил этди,
Камол ишқи мудом тушган,
ғўзал масрур ватаним бор.

ВАТАН СОТИЛМАС⁶

Ажаб замонларда инсон сотилган,
Эътиқод йўқолган, имон сотилган.
Алдовларга учиб виждон сотилган,
Бироқ юрт сотилмас, Ватан сотилмас.

Кимлардир битталаб орини сотди,
Номуссиз, қатордан норини сотди,
Кучоқдан никоҳлик ёрини сотди
Бироқ юрт сотилмас, Ватан сотилмас.

Ўзбекдан хорижга зарвон сотилур,
Ҳамдўстлик боғига боғбон сотилур,
Тилин билмаганга забон сотилур,
Бироқ юрт сотилмас, Ватан сотилмас.

Ватаним саждагоҳ, Ватаним улур,
Ватаним муқаддас, Ватаним қутлуғ,
Ватаним бошида зиёратбон гуғ,
Ватан ҳеч ўзгармас, Ватан сотилмас.



ЎЗБЕКИСТОН'

К^уёш севган тоғли б^ўстон,
Х^осилларинг карвон-карвон,
Сен пахтазор, мен бир деҳ^қон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Б^ойлигингга ошиқ жаҳон,
Б^арринг олтин, кумушга кон.
Сен гулзорсан, мен бир боғ^бон.
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Саҳроларинг чорва-ла банд,
Янтоғингдан олинар қанд,
Сен онасан, мен — бир фарзанд,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Юртим қалбинг тула зис,
Нур таралмиш сендан гуё,
Сен давлатсан, мен фуқаро,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ўчирмайман ҳеч чироғинг,
Истамайман ҳам фироғинг,
Сен Ватансан, мен тупроғинг,
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

ОНА

*Мустақиллик ва эзгулик
монументи пойидаги ўйлар*

Бошимда гултожим, оромижоним,
Теграмда офтобим, нуру-жаҳоним!
Ҳожай-фариштам, моҳитобоним
Мўътабар, муаттар, ҳур онажоним!

Сиз борсиз — ҳаёт бор, юрт бор, кўрғон бор,
Илму маърифат бор, тил бор, забон бор.
Ор-номус, виждон бор, дилда имон бор,
Нақадар буюксиз, буюксиз она!

Бу жаннат Ватанда Сиз босган излар,
Заминга туб отган энг шиғил идиз.
Кўзингиз нурлари — биз ўрил-қизлар,
Шу Ватан кўксида порлаган юлдуз.

Сиз — Ватан!
Ватан — Сиз, азизим онам!
У Сизнинг бағрингиз бўлса нежаб.
Бирингиз саждагоҳ, бирингиз Каъбам!
Илоҳий синоат Сизда мустажоб.

Сиз борсиз — ҳаёт бор, юрт бор, кўрғон бор,
Илму маърифат бор, тил бор ва яна ...
Ор-номус, виждон бор, дилда имон бор,
Нақадар буюксиз, буюксиз она!



САМАРҚАНДИМСАН

Амир Темур ордени билан мукофотланган
Самарқанд шаҳрига

Кўрки шаҳар Бибихоним,
Самарқандимсан ўзинг,
Афросиёб, Сурдиенам,
Самарқандимсан ўзинг,
Мароқандим, хур жаҳоним,
Самарқандимсан ўзинг,
Ҳам Ватаним, ҳам имоним,
Самарқандимсан ўзинг,
Тоғу саҳронг дурга коним,
Самарқандимсан ўзинг.


Улуғ шоҳлар шаҳри булган
юртимсан ота мерос,
Спитамен, Афросиёб,
фарзандларинг сенга хос,
Салобатли обидалар,
мадраса, гумбазлар мос,
Тавоб айлай тупроғингни
дилимга туғиб ихлос,
Зиё бирла нурга коним,
Самарқандимсан ўзинг.

Амир Темур руҳи кезиб
хиёбонда кўрди тахт,
Тахт устида буюк бобом
тинчлик учун қилди аҳд.



Ватан сенга орден берди,
хам байроққа илди нақд,
Мустақиллик берди иқбол,
Хумо куш келтирди бахт,
Абадий ҳур, чин маконим,
Самарқандимсан ўзинг.

Парвардигор назар солган
боғу тоғинг гулистон,
Хиэрнинг қадами етган
тупроғинг қутлуғ бўстон,
Бу оламда ўхшаш ийўқ,
эртаксифат шаҳристон,
Камолни маҳдиё этган
тарихинг бисёр дoston,
Регистонда бор карвоним,
Самарқандимсан ўзинг.



ТИНГЛА ЖАҲОН...

“Шарҳ тароналари” халқаро мусиқа фестивалига

Самарқандим теграсига
 қунганида ой,
Регистонда бонг урганда
 карнаю-сурнай,
Ўн саккиз минг олам узра
 садо берди най,
Тингла жаҳон, хурлигимдан
 далолат бу куй.

Куй базмида сайратди саз
 шаҳона, турдош,
Куйга өриб тебранишди,
 ҳатто тоғу тош,
Сеҳрланиб Тиллакори
 эиб турди бош.
Тингла жаҳон, хурлигимдан
 далолат бу куй.

Базми булбул мадҳиясин,
 куйларин битди,
Булбулларим, яйраб-яйраб,
 сайрашиб кетди,
Камол, булбул шайдосидир
 муродга етди,
Тингла жаҳон, хурлигимдан
 далолат бу куй.

ҚОМУС

*Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясига бағишланади*

Конституция — бу, бизнинг бош қомус,
Инсон ва жамият таянчи эрур.
Унда мужассамдир виждон ор-номус,
Мужассам адолат, садоқат, фурур.

Қомусга бошимни ураман секин,
Хуқуқ — эркинликлар Каломи гўё.
Фурур-ифтихорла куйлайман жушқин,
Бугун барча халқлар унга маҳлиё.

Қомусим инсонга бахш этди неъмат,
Фиқх чорбоғида гулади чечак.
Юртбошим сўзида жуда қўп ҳикмат:
Мустақиллик — бу, хуқуқдир бешак.

Мовий осмонингда ёришади тонг,
Саломга келади муралаб қуёш.
Замон уйронади, уйронади онг,
Қувончдан киприкда чайқалади ёш.

Офтоб чарақлайди нурларин сочиб,
Она замин узра ҳаёт бир равон.
Қомусни кўзимга суртаман очиб,
Ўзбекнинг иқболи буюк, фаровон.

ВАТАН КУТМОҚДА

Ўзбексан, эр йигит ор-номусинг бор,
Бел боғлаб Ватанни қўриқла хушёр.
Шу Ватан тинч бўлсин, гулласин диёр,
Бурчингни унутма, Ватан кутмоқда!

Аслида Ватан-ку сенга жон берган,
Қалбинг булоғига иссиқ қон берган.
Ризқ-рўзинг ундириб, ширмон нон берган
Бурчингни унутма, Ватан кутмоқда!

Ватан, бу онангдир — чаманда сўғиз,
Ёинки падаринг, қолдиргувчи из.
Ахир, шу эмасми, сен истаган қиз,
Бурчингни унутма, Ватан кутмоқда!

Ўз элинг тинчлигин ўзгадан кутма,
Йигитсан, йигитлик оринг унутма.
Ғафлатда қолиб сўнг заққумлар ютма,
Бурчингни унутма, Ватан кутмоқда!

Дехқон бул, азгулик донин эккувчи,
Ё Широқ, Ватан деб жонин тиккувчи.
Ҳеч ким бўлолмасин қаддинг буккувчи,
Бурчингни унутма, Ватан кутмоқда!

МЕҲР ВА МУРУВВАТ

Меҳр-муруват йилига

Бир жуфт ниҳол қадаб заминга,
Меҳр билан парвариш этдим.
Ииллар ўтиб шу оға-инга
Таажжубли шеъримни битдим.



Ниҳолларим ўсиб-улғайиб,
Белни икки жойдан боғлади.
Эгу ишлар қилди ажойиб,
Нохуш дилни хушлаб, чорлади.

Дард чекканлар унинг кўксига,
Ором олиб, дадил тортади.
Кипригига кунса, томчи нам,
Кипригида секин артади.

Иккинчиси қолишмай ундан,
Савоб ишга шай турар ҳар он.
Етим-есир, қуни қўшнига,
Тортиқ қилар куп хайру эҳсон.


Қўли очик, элу-улусга,
Баҳам кўрар топган нонини.
Ким ёрдамга сезса муҳтожлик
Аямайди ҳатто жониши.

Ҳавас қилдим, кўксимда ғурур,
Ниҳолларим қилди шафоат.



Ноёб хислат соҳиби эрур,
Бўлиб меҳр, бўлиб мурувват.

Дуолардан олиб куч-қувват,
Икки ниҳол кўришар кўп ёш.
Сўнмас энди меҳру мурувват,
Бамисли ой, бамисли қуёш.





НАВРҮЗ

Бугун Наврӯз — қутлуғ байрам,
Дилда ширин орзулар,
Кўз қувнатар яшил олам,
Юзда гулгун ёрдулар.
Карнай чалинг,
Сурнай чалинг,
Суринг даврон, дўстларим.

Ўтин қаланг ўчоқларга,
Дошқозонда сумалак.
Гуллар сирмас қучоқларга,
Наврӯзим сулув малак.
Кутиб олинг,
Тутиб олинг,
Қолмас армон, дўстларим.

Наврӯз келиб гул очилди,
Сувга тўлди ариқ, сой.
Қуёш кулиб нур сочилди,
Бизга ҳавас қилар ой.
Юрт гулистон,
Мўл дастурхон,
Бўлинг меҳмон, дўстларим.

Янги фасл — навбаҳор бу,
Янги ҳаёт, янги кун.
Чечак очар лабда кулгу,
Келди наврӯз, ризқ бутун.
Уйнамоққа,



Куйламоққа,
Тошинг имкон, дўстларим.

Ўзбегимни кучди наврўз,
Шодлик кўйнида ўлкам.
Истиклолга тегмасин кўз,
Ватаним гўзал, кўркам.
Ватан озод,
Ватан обод,
Дилда имон, дўстларим.



ҚИШЛОҚ СОҒИНЧИ

*Самарқанд вилояти
Каттақурён туман
Бурган қишлоғига*

Оқтов тоғи қучоқларингда,
Сийнанг тўла ям-яшил борлар.
Марвариддек мунчоқларингда,
Акс этади кўркам бутоқлар.

Нола қилар сув шилди роғи,
Ирмоқлари мисоли сойдек.
Какликларнинг субҳи сайроғи,
Завқ улашар сеҳоли найдек.

Мовий, сирли зам-зам булоқ бор,
Атроф қирлар ўрталиқ чаман.
Мангу яшар ҳам бобо чинор,
Меҳрибоним, қишлоғим Бурган.

Туғилганим сенинг бағрингда,
Шахр билан ёдлайман мудом.
Болалигим қолди тоғингда,
От устида терганим бодом.

Баҳордаги кўм-кўк майсалар,
Тоғдан сизиб оққан ирмоқлар.
Қимки сени Ватан, десалар,
Севиб, севиб, суюб ардоқлар.

Ўтди йиллар сендан узокда,
Яшаяпман сени соғиниб,
Изларим бор тоғу тошларда,
Яшаяпман сенга сизиниб.

ЧИНОР

Наботот олами ичида танҳо,
Улуғвор дарахтсан, кўп асрга тенг.
Пешонанг фалакка етса-да, ҳатто,
Эгилиб ассалом, дейсан, феълинг кенг.

Елкадор, бақувват, сержило, сершоҳ,
Дарахтлар султони, кўркам чинорсан.
Сирли утмишимдан фақат сен огоҳ,
Ердан униб чиққан азим минорсан!

Минг бир воқеликдан гувоҳ ҳар шохинг,
Фалакка кўл чўзиб тўкасан савлат.
Тарих вилдираги толмас ҳамроҳинг,
Қиссимда сен ҳам, катта бир давлат.

Бир елкангда Ўзбек, бирида қирғиз,
Бошқасида туркман, қозоғу тожик.
Мафтункор дарахтсан, лек тананг ёлғиз,
Бамисли Турондир бир осмон-ерлик.

Сен Турон рамзисан, бўйсунмас алпсан,
Илдиэинг бақувват гўё Туркистон.
Сен дарахт, сен давлат, сен улуғ қалбсан,
Сен бобо чинорсан, сен бобо Турон.

МЕН ТУФИЛГАН КУН

Сичқон йили эди, фасли навбахор,
Момоқалдиروقдан титрарди замин.
Шоди, яратгандан сўраб шу саҳар,
«Ўғил берсанг», деди. «Ё Оллоҳ, Омин».

Кун бўйи камалак берганча жило,
Ям-яшил Бурганга рангларин сочди.
Майсаю-чечаклар бўлиб сержилло,
Булбуллар куйлади, сирларин очди.

Куйиларди баланд тоғдан шаршара,
Сел ҳавоси салқин, майин шабода.
Сувлар шилдирарди Бургансой узра,
Ҳаёт жўшар эди еру самода.

Уфқ қизарганда, кириб келгач шом,
Орзулар чечаги гуллади, кулди,
Чақалоқ йиғлади ингалаб шу дам,
Шоди ўғил кўрди, у ота бўлди.

Тонг ёришди чақнаб, ёришди олам,
Илоҳим чақалоқ қалбига тушди.
Юрт сени кутмоқда, тез улғай болам,
Дея Бахмал она бешикни кучди.

Ота хонақоҳга шошилди шу тоб,
Яхши исм бўлсин унга, ё насиб,
Мулла Тоир бобо ўқигач китоб,
Абдукамол исми бўлди муносиб.

ТАЪЗИМ

Олам яралибди ота яралмиш,
Ота, сўнг онадан фарзанд таралмиш,
Отасиз, ҳаётга нуқта қадалмиш,
Ота энг улурдир, ота энг улур.

Отада кўраман улурвор имон,
Инсофу-барака, ор ҳамда виждон,
Кўзлари нур-зиё, ул буюк инсон,
Ота энг улурдир, ота энг улур.

Ўзини билмаган, лек мени билган,
Мени, деб ҳаётда балки эзилган,
Бўйнига доимо дардимни илган,
Ота энг улурдир, ота энг улур.

Бу фоний дунёда жуда кўп қарзим,
Фарзандлик бурчимни бажармоқ фарзим,
Падар-бузрукворим, қиламан таъзим,
Ота энг улурдир, ота энг улур.

Оллоҳ иродаси бердингиз ҳаёт,
Ота, хар сузингиз пурмаъно баёт,
Оламда минг йиллаб яшанг барҳаёт,
Ота, Сиз улурсиз, ҳаммадан улур.



ОНА МЎЪТАБАР

Оламини яшнатиб мунаввар этган,
Оналар муътабар, онам муътабар.
Зурриёт тарқатиб муродга етган,
Оналар муътабар, онам муътабар.

Қалбининг тўридан оқ сутин тутган,
Босган изларимга куз қадаб кутган,
Баъзан фарзанд, дея қонлар ҳам ютган,
Оналар муътабар, онам муътабар

Она бор хонадон бир қасрга тенг,
Оналар ҳикмати тўрт фаслга тенг,
Бир кунлик меҳнати минг асрга тенг,
Оналар муътабар, онам муътабар.

Онага бош эгинг, онани йўқланг,
Оналар муштипар, онани асранг.
Онанинг оқ сутин, жон фарзанд оқланг,
Оналар муътабар, онам муътабар.



ҲАЙКАЛ

Нарпай туман судининг биноси олдида
Ўзбекистон Мустақиллигининг
беш йиллик тўйи арафасида ўрнатилган
Адолат рамзий ҳайкали пойидаги ўйлар

Сен бутун туғилдинг мисоли бир зот,
Ошпоқ фариштадек қиёфанг мармур.
Суднинг биносига кўшиб салобат,
Тахтли адолатсан, малика масрур.

Қонунни устувор тутмоқлик учун,
Забардаст қўлингта қиличинг олдинг.
Барчани бир кўзда кўрмоқликучун,
Кўз боғлаб, ҳар ишга тарови солдинг?

Мақсадинг таровин тўғри ушламоқ,
Яхшилик қилгани севиб хушлашдир.
Адашган кишини йўлга бошламоқ,
Разолатга қарши кескин курашдир.

Она тимсолида буюксан, буюк,
Ҳақни билмоқ доим сен адир одат.
Адолат рамзисан жон, қадар суюк,
Истагинг ҳалқимга бахту саодат.

АССАЛОМ, "НИГОҲ"

*Нарпай туман суди томонидан
таъсис этилган "Нигоҳ" газетасининг
10 йиллигига*

Ассалом, газетам, ассалом, "Нигоҳ",
Ўн йиллик юбилей тўйинг муборак!
Нурли кўзларингда қонундан огоҳ...
Ҳукуқий-маърифий қараш муштарақ.

Ўткир нафасингда куч ва шижоат,
Ҳақлик ва ноҳақлик бағрингда суврат.
Оқни-оқ, деб фақат, излаб ҳақиқат,
Кўрсатдинг матонат, жасорат, журъат.

Сен бутун инсонлар қалбига етиб,
Адолатнинг сўнмас шамини тутдинг.
Қонуларга ҳурмат ҳиссин уйғотиб,
Жаҳолат дардини бағрингга ютдинг.

Тилагим: ишингда холис адолат,
Тилингда ҳаққоний сўзларинг бўлсин.
Барчани баробар кўргувчи фақат,
Тик қарай олгувчи кўзларинг бўлсин.

Ассалом газетам, ассалом, "Нигоҳ",
Ўн йиллик юбилей тўйинг муборак...

НЕЧУН КЕТДИНГ

*Журналист Акрамжон Эрдонов
хотирасига марсия*

Қисқа фурсат дўст бўлдингу,
дўстим, сен ногаҳон кетдинг,
“Умид рунчалари” гузиб,
очилмай баяри қон кетдинг,
Газетада номинг қолди,
меҳнатда ном-нишон, кетдинг,
Яхшиликни куйлаб-куйлаб
шундай юртдан қаён кетдинг,
Шогирдларинг йирлаб қолди,
гул умринг не хазон, кетдинг.

Сени қумсаб йиғлар дўстлар,
кўзларда қолмай томчи нам,
Яхши эди дея эслар,
тошиб келар юракдан ғам,
Жилмайишинг кўз ўнгимда,
атроф тўла чексиз алам,
Нечун қон йирламай, дўстим,
дунё ўзи экан бир кам,
Аҳли дўстлар йиғлаб толди,
сен эса навқирон кетдинг.

Журналистдек касбни танлаб,
ўз касбингда куйиб-ёндинг,

МУҲАММАД ЮСУФга

(ҳазил-айтишув)

Муҳаммаджон, туркман қизга бойланибсиз,
Ўзбек элдан кетмоқликка шайланибсиз,
Акажоним, ўшани деб қийналибсиз,
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Ўзбек қизи сиздан юзин бурганмикан,
Ё туркман қиз юракчадан урганмикан?
Ашхободда гул кўтариб турганмикан,
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Офтоб чиқиб, офтоб ботса кулгучида,
Хавfli экан, қолмасинлар нур ичида,
Балки алдаб гапиргандир тил учида,
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Иболиси йўқмикан ҳеч Андижонда?
Қизлар кўпку Асакаю, Марғилонда.
Сизда туркман, ўзбек қизлар биз томонда,
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Бермас қизин туркман йигит элда ботир,
Ун ўрнида кўзини изга пурқар атир.
Гар кўрқсангиз туркман қизлар этмас хотир,
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

Туркман бориб, “куя” суртиб бўянмангиз,
Мотда қолиб, “девор ушлаб” суянмангиз.
Қайтиб келгач, ўзбек қиздан уялмангиз,
Айтинг, қачон туркман қизга уйланасиз?

СОҒИНИБ КЕЛДИМ

Ҳижрон ўчоғида ёнди ҳар оним,
Шошилиб, интиқиб Сиз томон елдим.
Бир кўриб кетмоқлик бўлди имконим,
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим.

Олис самолардан Сизни сўрадим,
Майин саболардан Сизни сўрадим.
Юзи зеболардан Сизни сўрадим,
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим.

Виждонни сотганлар узоқ боришмас,
Дўстлар жамолига жоҳил ёришмас.
Офтоб чиқар, аммо кўнгил ёришмас,
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим.

Қалбимнинг тўрида дўстлик ётади,
Кўролмас кўзлар кўп, тошлар отади.
Ҳиёнат дўстликка ёмон ботади.
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим.

Майли, душманнинг ҳам лаблари кулсин,
Ғамгин кўнгиллар ҳам шодликка тўлсин,
Дўстликка битта жон минг фидо бўлсин,
Дўстим, дийдорингиз соғиниб келдим!

ЎЗБЕК АЁЛИ

Ўзбек аёлисан, борми армонинг,
Шарқона иффатинг оламга машхур.
Қалбинг туби имон, софдир виждонинг,
Ватан ишқи билан яшайсан мағрур.

Вафою, ҳаёлар сенда мужассам,
Ораста, иффатли лочин кўз аёл.
Иболи, зеболи юришинг санам,
Париваш бир ёрсан, олов сўз аёл.

Сен мунис онасан тутган беланчак,
Чамамда сен ойсан, фарзандлар юлдуз.
Қўлинг гул, оёғинг остида чечак,
Тунлари ҳилолсан, офтобсан кундуз.

Ўзбек аёлисан, серфарзанд она,
Олам аёллари ичра сен ёлғиз!
Мангу эъзозлайман сени, ягона,
Эл аро доврўинг сўнмасин ҳарғиз!





ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Ишқ бобида юзида ор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор,
Бахт майидан туни бедор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор.

Нурафшон бўлмиш юраклар,
 ер зиёси бирла олам,
Нозу ишваси мафтункор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор.

Тарк этмагай каломини
 ибо ила ҳаё ҳеч ҳам,
Ажаб, санам умри чинор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор.

Лутфу жамолин кўрсатиб
 қалб турига қувонч берур,
Муҳаббатга боғи гулзор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор.
Юз ниқобин тортсанг агар,
 тунларингта нур ётилуру,
Қалб тебранса қиши баҳор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор



Бахт қасридан макон берсанг
 лабларидан дур сочилур,
Бостан изи гулу гулзор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор.

Садоқатнинг кўчасида
 вафоли ёр топса чунон,
Ёр йўлига кўзи хумор,
 ўзбекнинг хур қизлари бор.



**СЕН ТУПРОҚСАН,
МЕН ЭСА ОСМОН...**

*Одобни ердан ўрганинг.
Ҳадис*



Сен тупроқсан, оддий, камтарин,
Одам сендан яралсаки ҳам.
Мен одамман, сенга офарин,
Кеча, бутун ёниб турган шам.

Сен хокисор, кибрдан йироқ,
Кўтармайсан бошингни ҳеч ҳам.
Менчи, тумшуқ кўтариб кўпроқ,
Манманликдан кўраман кўл ғам.

Сен содиқ дуст, билки, инчинун,
Узоқ кетмас ой, қуёш, юлдуз.
Бир қарашда инсонман лекин,
Дуст қалбини тирнайман, ҳар кез.

Сенда бордир сабр-қаноат,
Гарчи жонсиз тупроқсан ночор,
Менга ётдир инсоф, диёнат,
Сўнг йирлайман афсус деб, зор-зор.

Нафсу ҳирсни қўриб мен афзал,
Ўзимни ҳеч тия билмайман.
Деразадан кирса гар ажал,
Бир кун тўхта, тўймадим дейман.



Виждон сотиб, имоним ютиб,
Босар йўлим билмай қоламан.
Ва ниҳоят бошимни тутиб,
Сенга боқиб ўйга толаман.

Чилчирокдек қисқа бу ҳаёт,
Лов этади, сениб утади.
Сен қоласан, мангу, барҳаёт,
Мени илиқ барринг кутади.

Бир кун умр топгач ниҳоя,
Ўптираман сенга юзларим.
Ўшанда сен кучоқлаб мени,
Тўйдирасан тўймас кўзларим.



ҲАСАД

Билинг дўстлар, ҳасад энг ёмон,
Пасткашлигу, тубанлик ахир.
Ҳасад доим келтирар зиён
Бўлсин, дея ҳаёти тахир.

Яқин борма, ҳасадгўй чаён,
Заҳар солмоқ ниятда юрар,
Омад кулса, сенга гар аҳён,
Кўролмасдан куйиб кул бўлар.

Янгиликка ҳавас-ла, боқмас,
Аммо чопар ҳар томон-гирён.
Яхши ишлар унга ҳеч ёқмас,
Амалталаб югурар ҳар ён.

Ҳасадга дўст бўлмоқлик осон,
Аммо ундан қутулиб бўлмас.
Ҳар кимсада бўлса гар имон,
Ҳасад ила келиша олмас.

Шу боисдан оқил донолар,
Ҳасадгўйдан мудом қочишган.
Қадимдан ҳам бизнинг боболар,
Ҳасад кўзга тупроқ сочишган.

Яхши ишнинг бошида шодон,
Эй, ёронлар бирга турайлик.
Қабиҳ ният, кўнгли кир, нодон
Ҳасадгўйдан йироқ юрайлик.



НАФС

Эй фарзандим дунёда,
Нафсинг бўлса эиёда.

Машаққатинг мўл бўлур,
Кўз ёшларинг кўл бўлур.

Халолга тик қараб боқ,
Барча нафсдан бўл йироқ.

Ўғитларим тезда ил,
Қаттол душман нафс, деб бил.





МЕҲНАТ

Ижтимоий фойдали меҳнат,
Саодатга элтувчи бир йўл.
Ҳам насиба, ҳам обрӯ-иззат,
Бахт чумилган азим дарё, кўл.

Дерлар: меҳнат — бу таги роҳат,
Ризқинг кулиб боқади обдон.
Ҳар бир ишда кўрсат шижоат,
Меҳнат йўлинг бўлсин чароғон.

Дарҳақиқат, меҳнат шухрат-шон,
Гўзал турмуш, фаровон ҳаёт.
Камол, сира бой берма имкон,
Меҳнат қилган элга бўлмас ёт.



ЖИНОЯТ

Қонуи билан таъқиқ этилган,
Ҳам жиноий жазо битилган.
Ижтимоий хавфли ҳаракат,
Сен эмасми, айтчи жиноят?

Кеча ёки демайсан кундуз,
На вақтини, на танлайсан жой.
Инсон учун ниятинг ёвуз,
Қўлинг қону, оёқларинг лой.

Иродасиз одам танига,
Шайтон каби кириб борасан.
Кўзларини бўяб қонига,
Кўр қиласан, кўнгли қорасан.

Яна топиб заиф ё нодон,
Гиж-гижлайсан, ичирасан қон.
Ўзга мулкни талатиб чандон,
Текинхўрга едирасан нон.

Жамиятга келтириб зарар,
Кўпчиликка соласан ташвиш.
Сенга ҳам бил, жафо муқаррар,
Жазо олура жиноий қилмиш.




БОҒЧАМ

Илк очилган нозик гул каби,
Бир пайтлар биз мурғакча эдик.
Босилмасди оёқлар ҳали,
Юриб-юрмай боғчага келдик.

Меҳр билан ҳар кун эрталаб,
Уз баррингга олгандинг бизни,
Фарзандингдек доим эркалаб,
Улғайтирдинг биз ўрил-қизни.

Энди бизлар ёруғ юз билан,
Илм излаб мактаб борамиз.
Боғча очган очиқ кўз билан,
Кўлга дафтар-китоб оламиз.

Раҳмат сенга қадрдон боғчам.
Уйку, ўйин, танга жон боғчам.
Бунда ҳамма онажон боғчам,
Хайр энди, жонажон боғчам.



НОЛА

Етимхонадан чиққан сас.

Бевақт очилган гул меваси эдим,
Таъминг аччиқ лединг, кўтардинг фарёд.
Аччиқ мевачалар жойига келдим,
Ахир, мен болангман, эмасман-ку ёт!



Хатто тикан босган қулсиз кирпи ҳам,
Боласин сийшалаб, юмшорим дейди.
Танаси тим қора кўнригэча мудом,
Жажжисин эркалаб, ошпоғим дейди.

Киёфанг инсону, аммо йўқ шафқат,
Оналик туйғуси сенга бегона.
Емадим, ичмадим, кўрмадим роҳат,
Қафасга ташладинг, мисли бедана.

Мен ҳам истардимку она аласин,
Ахир, сен ҳам она, бағринг нечун тош.
Эшитгин, энди сен, бола ноласин,
Ташладинг, қалқиди кўзларимда ёш.


Мен аччиқ фарзандга ширинлик бисёр,
Лек, йўқдир онанинг меҳригиёси.
Бошқалар отаси, онаси ҳам бор,
Менинг ота-онам давлат зиёси.

Хайф сенга оналик, қилдинг-ку бадном,
Тириклай болангни гўрга супурдинг.



Покиза оналар сен учун дашном,
Она, деган улур номга тупурдинг.

Афсус-надоматга бўлди энди кеч,
Болангни ташладинг, номусинг сотдинг.
Уйлама сен, мендан кутулдим деб хеч,
Қилмишинг дўзахбоп, гуноҳга ботдинг.



НИКОҲНИ САҚЛА...

*Никоҳни бекор қилишни сўраб
судга келган аёлга*



Кечани тонгларга улардинг бедор,
Мактуб битар эдинг, юрагинг аср.
Тушингда кўрмасанг, кўксингда озор,
Бахтингдан тахт ясаб, қурадинг қаср.

Интилдинг, шошилдинг, уқтириб кўрдинг,
Висол дамларига бўлиб интизор.
Бошингни ўтга ҳам, чўққа ҳам урдинг,
Қуйишдан кул бўлдинг, қалбинг гуноҳкор.

Висол оқшомида тунни ларзага,
Келтириб оғушдинг, юлдузлар гувоҳ,
Асал ойи кириб ширин лаҳзага,
Алмашдинг дунёнинг ишларин воҳ-воҳ.

Бугун эса бошинг эгмайсан ҳеч ҳам,
Ишқнинг қалбига тик берасан зарба.
Оқибат савдоинг келтирар кўп ғам,
Ойланг устида даҳшатли замба.

Қозилик вазифам, тинглашлик фарёд,
Ойла муқаддас, дейман ул, Ватан.
Нафақат сен борсан, жажжи зурриёд
Унда улғайиши жоиздир ҳар он.



Оиланг тузмасин, тортмагин армон,
Камол ўгитин ол, мурудингга ет.
Қалбларга дарз кетгач, ейсан пушаймон,
Никоҳингни сақла, ўз уйингга қайт.



НИДО

Фарзандларидан безган ота-оналарга

Табиат гузал, лек, қабоҳат хунук,
Боласин ташламас бирон-бир жонзот.
Инсон қиёфали бўлса-да, нечук,
Боласин ташлайди баъзан одамзод.



Агар узоқлашса сигир бузоқдан,
Бўжирар овозин борича мўнграб.
Айрим оналар-чи, кўркмас дўзахдан,
Боласи ортида қолади хўнграб.

Чувалчанг ота ҳам излаб боласин,
Қидиради лойдан ахтариб, кезиб,
Нодон оталар-чи, она алласин,
Эшитиш истамай қочади безиб.

Қирмизи қонинг-ла йўғрилган танни,
Дунёга келтириб, сўнг ташлаб қочдинг.
Юзингни тимдалаб, ёт деб Ватанни,
Ўзгани қидирдинг, меҳрингни сочдинг.

Ўз боланг сенинг ҳам меҳрингга зордир,
Ўйла, кимларнингдир қулида ул хор.
Мунгсиз йўллар узра кўзи хумордир,
Бемеҳр экансан, аччиғи ҳам бор.

Мурғак юракларда аламли бир дард,
Тирнайди тобора чуқурроқ ботиб.



Кўз ёшин оқизиб сен ота, номард,
Болангни ташладинг, виждонинг сотиб.

Балки қорни тўқдир бўлса-да, етим,
Маънавий очлигин ўзи бир даҳшат.
Зинокор инсонга чидамас бетим,
Боласин истамай истайди шаҳват.

Қани аёлдаги иффат, нафосат,
Дангаса эрларнинг шуури қани?
Қани оилада меҳр-оқибат,
Ўзбекининг шарқона ғурури қани?

Ота ё онаси яшаб қошона,
Наҳот етимликда қотса боласи,
Ёхуд чўри бўлиб хонама-хона,
Ларзага келтирса дунёни саси.

Тинглагил эй инсон, куймай имонинг,
Ақл тарозисин сира бўш тутма,
Билки ҳаёт қисқа, фарзандинг қолиб,
Ўзгадан иссиқлик, фароват кутма.



ФАРЗАНДИНГА ҚАЙТ

*Никоҳни бекор қилишни сўраб судга
мурожаат қилган турмуш ўртоғига
қарата ёрининг айтганлари:*

Оила муқаддас — муқаддас никоҳ,
Ахир у ҳам ватан — муқаддас даргоҳ,
Шу даргоҳ сен учун ёқмадим, айт?
Қайт ёрим, ўз уйинг, фарзандингга қайт...

Мен майли, болангни қоралаб кетдинг,
Бағримиз тимдалаб, поралаб кетдинг,
Ўзга боғларни сен оралаб кетдинг,
Қайт ёрим, ўз уйинг, фарзандингга қайт...

Айт ўзи муҳаббат борми дунёда,
Севганлар шунча ҳам хорми дунёда.
Ажралиш менга бир "дор"ми дунёда,
Қайт ёрим, ўз уйинг, фарзандингга қайт...

Балки ётдир сенга энди муҳаббат,
Болангни бағрингга олсанг бас фақат.
Бир томчи сут билан кўрсатиб ҳиммат,
Қайт ёрим, ўз уйинг, фарзандингга қайт...

Оналик либосинг ёлғон бўлса, айт?
Иўқса гар, ўз уйинг, фарзандингга қайт...

КЕЛМАДИНГИЗ

*Шоир Фармон Тошнинг “Мен ёмғирли
кунда келаман” шеърий тўпламига.*

“Мен ёмғирли кунда келаман”, - ваъда...
Неча-неча кунлар ёмғирли ўтди.
Мен эмас, интиқ дил зорланиб кутди,
Бироқ келмадингиз,
Кўзга намадингиз.

Мен эса кутмадим, қолсамда ёлғиз,
Кўнглимни чалғитиб Сизни унутдим.
Осмонда булутлар, уларни кутдим,
Биламан келмайсиз,
Ёмғирсиз ҳаргиз.

Сиз эмас, фалакдан келди оқ булут,
Бунга ҳам кўникдим, кўнгил бетоқат.
Кўз ёшим ёмғирга айланди фақат.
Ёмғир ёғиб тинди,
Кўнгил тафти сўнди.

Сиз эса келмадингиз...





ИБО КЕЛУР

Тору-тошдан ошиб хур-хур, майин-майин сабо келур,
Сабо бирла Самарқанддан ажиб садо, наво келур.

Умид бирла боқиб йўлга ўзимни сар-басар сезсам,
Гўё Одам саҳросидан бизнинг Момо ҳаво келур.


Ва гул келур, чехра келур, сарвиқомат бир нозанин,
О, шарқона малак келур, ҳаё бирла ибо келур.

Қиш қаҳридан бўлгач озод, баҳор ёзган қанот каби,
Соғинчдан ўртаниб бағри бир нозанин зебо келур.

Ибо бирла ошиқ келур, севган кўнгил истаб дийдор,
Ишқ боғида очилмоққа, бир гул келур, раъно келур.

Қалб кўридан машғал ёқиб, шаддод, гўзал бир малика,
Кувноқ, қайноқ севги бирла ёр-ёр айтиб вафо келур.

Камол, сенга бериб тоқат, Яратган қўлласин ҳар дам,
Келар ёринг, кечикса гар, билмам қандай жафо келур



КЎРГИМ КЕЛАДИ

(айтишув)

Қиз:

Соғинган қалбимга малоллар келар,
Гоҳ маҳзун, гоҳ масрур хаёллар келар.
Дилимни ранжитиб саволлар келар,
Кўргингиз келмасми, мени кўргингиз?
Кўргингиз келмасми, жоним кўргингиз?

Йигит:



Кўксимга қуёшдек ботиб борар ғам,
Юракда қон каби ортиб борар ғам.
Дардимга сиз эмас етиб борар ғам,
Мен Сизни азизам кўргим келади!
Мен Сизга ҳар доим боргим келади!

Қиз:

Гулбаргда тизилдим томчи ёш бўлиб,
Рух ўлган, жон қолган фақат рош бўлиб.
Инглайман, сезмайсиз оғир тош бўлиб,
Кўргингиз келмасми, мени кўргингиз?
Кўргингиз келмасми, жоним кўргингиз?

Йигит:

Сиз менинг қўшим, сиз менинг қўнглим,
Сиз томон бошлайди ҳар битта йўлим.
Қалбим маликаси покиза гулим,
Мен Сизни азизам кўргим келади!
Мен Сизга ҳар доим боргим келади!



Қиз ва йигит:

Соринган қалбимга малоллар келар,
Гоҳ маҳзун, гоҳ масрур хаёллар келар.
Дилимни ранжитиб саволлар келар,
Кургингиз келмасми, мени кўргингиз?
Кўргингиз келмасми, жоним кургингиз?





ИСТАЙМАН



Сен жононга ташна қалбим,
шому тонг дийдор истарман
Кўнгил торини чертишга
барингдан гулзор истарман.

Хусни жамолинг тафтидан бутун оламга тушди ўт,
Қора зулфинг соясидан бир паноҳ ошкор истарман.

Хар бири бир камон қошинг,
найза ўқдир ҳар нигоҳинг,
Васл сандияинг очмасанг,
кокилингдан дор истарман.

Гулбадан, лаъли лабингдан
ичирмасанг бир томчи май,
На ҳожат менга яшашдан
қалбингдан мазор истарман.

Эй нигор, ҳеч улдирмагин ишқини да бир девонани,
Икки дунё гулшанида фасли навбахор истарман.



СИРЛИ ТУШ

Ёдингдами бир тун,
Қайтар чоримиз,
Келин-куёвларнинг никоҳ тўйидан.
Май ичмай маст бўлдик,
Дил ёнди лов-лов,
Булбулнинг тундаги сирли куйидан.

Туннинг қулоғига
Секин бир чертдим,
Жаранглади қарс этган товуш.
Тасодиф юз берди
Сен қалқиб кетдинг,
Уйқунгда кўргандек гўё сирли туш.

Зумда оғушимга
Отдинг ўзингни,
Куксим узра сездим илиқ ҳарорат.
Фақат бир дақиқа
Юмнинг кўзингни,
Эридим шу лаҳза жон топиб роҳат.

Тадририят илоҳи:

¹ Ушбу шеър билан Самарқанд вилояти Оқтош шаҳрида яшовчи Сарвиноз Ҳасанова 2003 йилда ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик танловида вилоят бўйича биринчи, Халқ таълими вазирлиги бўйича иккинчи ўринни эгаллаган.



² Муаллиф Паҳлавон Махмудни назарда тутган.

³ Ушбу шеър билан Самарқанд вилояти Тайлоқ туманида яшовчи Баҳора Турсунова Самарқанд шаҳар, вилоят ҳамда республика “Алла” кўрик танловида биринчи ўринларни эгаллаган.

⁴ Ушбу шеър билан Самарқанд шаҳрида яшовчи Умида Ермухаммедова 2004 йилда ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик танловида Маданият вазирлиги бўйича биринчи ўринни, умумий республика танловида иккинчи ўринни эгаллаган.

⁵ Ушбу шеър билан Самарқанд вилояти Пастдаргом, Самарқанд, Темирйўл туманларининг ўқувчилари вокал чолғу дастаси 2002 йилда ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика кўрик танловида Халқ таълими вазирлиги бўйича иккинчи ўринни эгаллаган.

⁶ Ушбу шеър билан Самарқанд вилояти



Нарпай туманида яшовчи Турсуной Жўраева 2004 йилда ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика кўрик танловида Маданият вазирлиги бўйича биринчи ўринни, умумий республика танловида иккинчи ўринни эгаллаган.

⁷ Ушбу шеър билан Самарқанд вилояти Нарпай туманида яшовчи Мафтуна Ҳайдарова 2003 йилда ўтказилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика кўрик танловида Халқ таълими вазирлиги бўйича иккинчи ўринни эгаллаган.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси назарда тутилган.

Мундарияжа

1. Ассалом, Халким!	3
2. Истиқлол тонги	4
3. Ватаним, сен озод Ўзбекистонсан!	6
4. Гуллади	8
5. Алла	9
6. Саждагоҳимсан	11
7. Ватаним	12
8. Ватан, кўнглимдасан	13
9. Ифтихориим бўлса бас	14
10. Ватан	15
11. Камолот дияри	16
12. Ватан сотилмас	17
13. Ўзбекистон	18
14. Она	19
15. Самарқандимсан	20
16. Тингла жаҳон	22
17. Қомус	23
18. Ватан кутиоқда	24
19. Меҳр ва мурувват	25
20. Наврўз	27
21. Қишлоқ соғинчи	29
22. Чинор	30
23. Мен туғилган кун	31
24. Таъзим	32
25. Она мўътабар	33

26. Ҳайкал	34
27. Ассалом нигоҳ	35
28. Нечун кетдинг	36
29. Муҳаммад Юсуфга	38
30. Соғиниб келдим	39
31. Ўзбек аёли	40
32. Ўзбекистон қивлари	41
33. Сен тупроқсан, мен эса осмон	43
34. Ҳасад	45
35. Нафс	46
36. Меҳнат	47
37. Жиноят	48
38. Боғчам	49
39. Нола	50
40. Никоҳия сақла	52
41. Нидо	54
42. Фарзандингга қайт	56
43. Келмадингиз	57
44. Ибо келур	58
45. Кўргим келади	59
46. Истайман	61
47. Сирли туш	62
48. Таҳририят низоҳи.....	63



Қайдарлар учун:

1200

«*Ҳуқуқ ва бурч*» журнали
кутубхонаси

Камол РАҲМОН

САЖДАГОҲИМ...

Шеърлар

Муҳаррир **Ш.ҲАМРОЕВ**
Бадий муҳаррир **Б.РАЙИМОВ**
Техник муҳаррир **Ж.ЖАББОРОВ**
Мусахҳиҳ **С.АЛИМОВА**

«*Ҳуқуқ ва бурч*» журнали таҳририяти компютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

МЧЖ «MAX PRINT» босмахонасида чоп этилган
Босишга рухсат этилди: 17.08.2006. Бичими: 84x108.
Бодони гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табағи 8,0. Нашриёт босма табағи 8,0.
Адади 1000. Буюртма № 273. Баҳоси шартнома асосида.